

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020. Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ЗОИРОВА ПРОДАБЕГИМ ФАЙЗИ ҚИЗИ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ВОЯГА ЕТМАГАН
ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

Юридик фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract for the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Зоирова Иродабегим Файзи қизи

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил..... 3

Зоирова Иродабегим Файзи қизи

Обеспечение прав и законных интересов несовершеннолетних потерпевших в уголовном процессе: сравнительно-правовой анализ..... 25

Zoirova Irodabegim Fayzi qizi

Ensuring the rights and legal interests of juvenile victims in criminal proceedings: comparative legal analysis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020. Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ЗОИРОВА ПРОДАБЕГИМ ФАЙЗИ ҚИЗИ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ВОЯГА ЕТМАГАН
ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

Юридик фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Yu973 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Бахтиёр Халилович
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахроров Бахром Жаббарович
юримдик фанлар доктори, профессор

Шодиев Ғулом Махамматович
юримдик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юримдик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020. Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 09 январь куни соат 14-30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2025 йил 25 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 25 декабрдаги 44-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда адолатли ва самарали жиноий одил судлов тизими – бу жабрланувчилар ва гувоҳларнинг, шунингдек жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини тенглик принципи асосида амалга ошириладиган тизим ҳисобланади. Халқаро жиноят суди маълумотларига кўра ҳар йили миллионлаб болалар зўравонлик натижасида жабрланадилар ва жабрланишда давом этмоқдалар¹. Жумладан, ЮНИСЕФ томонидан қабул қилинган “Болаларни ҳимоя қилиш стратегияси”(2008) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Жиноят натижасида жабрланган ва жиноят гувоҳи бўлган болаларга нисбатан одил судлов тўғрисида”ги кўрсатмалари доирасида иштирокчи давлатларнинг одил судлов тизимини такомиллаштириш, жиноят процессида ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий ислохотларни қўллаб-қувватлаш орқали вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашади. Қонунчилигимизда мавжуд процессуал нормалар халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ижтимоий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган. Бироқ, йиллар мобайнида янги ижтимоий муҳит ва ҳодисалар ўзгариб замонавий технологиялар вужудга кела бошлагани сабабли мазкур миллий ҳуқуқий нормаларнинг ўзгартириш ёки янгидан қабул қилиш эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Жаҳонда жиноий одил судлов тизимида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун қуйидаги асосий стратегиялар муҳим ҳисобланади: бола ҳуқуқларини эътироф этувчи мустаҳкам ҳуқуқий асосларни жорий этиш, ҳуқуқий хизматларни тақдим этиш, вояга етмаган жабрланувчиларнинг одил судлов тизимида самарали иштирокини таъминлаш мақсадида бола эҳтиёжларига устуворлик берувчи давлат сиёсати амалга оширишдир. Вояга етмаган жабрланувчилар, асосан, давлатларнинг жиноий одил судлов тизимларида “унутилган томон” сифатида қаралади. Яъни улар кўпинча ҳуқуқий ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва ҳимояга эга бўлмайдилар. Бундан ташқари, болаларга жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш имконияти аксарият ҳолларда мавжуд бўлмайди.² Шу боис, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларига оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида “Инсон қадри учун” тамойили, хусусан, “ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди” принципига кўра амалга оширилаётган ҳуқуқий

¹ Preamble of the Statute, para. 9. See United Nations Children’s Fund (UNICEF), Children and emergencies in 2014 Facts & Figures, which estimates that 230 million children live in countries and areas affected by armed conflicts. https://www.icc-cpi.int/sites/default/files/iccdocs/otp/20161115_OTP_ICC_Policy-on-Children_Eng.PDF

² “Жиноят қурбонлари ва жиноят гувоҳлари бўлган болаларга муносабат” Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун тавсиялар. БМТ, Нью-Йорк, 2015. https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Training_Programme_on_the_Treatment_of_Child_Victims_and_Child_Witnesses_of_Crime_-_Law_Enforcement.pdf

ислохотлар боланинг энг устувор манфаатларини таъминлаш - асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев қайд қилганларидек, “Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг кўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”³. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда 2023 йилнинг 9 ойи давомида болаларга нисбатан 1240 та зўравонлик ҳолати қайд этилган. Зўравонлик оқибатида 22 бола вафот этган.⁴ Жумладан, ушбу турдаги жиноятлар вояга етмаганларга нисбатан жами содир этилган жиноятларнинг ўртача 18 фоизни ташкил қилмоқда. 2021 – 2024 йиллар оралиғида вояга етмаган шахсларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ жами 3057 та жиноят ишлари судлар томонидан кўрилган.⁵ Вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқларига оид миллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айнан вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқларини ўзлари томонидан мустақил амалга ошира олмасликлари ҳамда ҳимоя қила олмасликлари сабабли, юридик хизматга оид ҳуқуқлари, тергов жараёнларидаги махсус ёндашувларни ҳуқуқ тизимида бола ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг концептуал муаммоси илмий тадқиқ қилишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2020), “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2024) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2020), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги (2022), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги (2023) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маъданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 25.01.2020 йилдаги Мурожаатномаси. <https://pm.gov.uz/uz/lists/view/679>

⁴ Электрон манба <https://uza.uz/posts/527499>

⁵ Судлар фаолияти бўйича статистик кўрсаткичлар. <https://stat.sud.uz/criminal>

шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари мамлакатимиз олимлари Б.Х.Пўлатов, В.Каримов, М.Х.Рустамбаев, И.Р.Астанов, Б.Б.Муродов, А.Ш.Умархонов, Д.М.Миразов, З.Ф.Иноғомжонова, Д.Б.Базарова, Д.С.Довудова, Г.З.Тўлаганова, М.Дж.Ботаев, Д.Р.Каримова, Ш.К.Ганибаева, Ж.Р.Ўроқов, Б.Н.Рашидов, С.А.Дусманов, Б.Х.Мухиддинов, О.Д.Алланазаров, Б.А.Саидов, А.О.Шарафутдинов, Ф.А.Базаров, М.Э.Муминовлар томонилан тадқиқ этилган.

Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан жиноят процессида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш жиҳатлари А.Э.Абзалов “Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари”(2006), С.М.Ачилов “Обеспечение прав потерпевшего в уголовном процессе” (2010), С.Н.Ниёзова “Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси” (2020), Д.Р.Тураева “Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш” (2020), Ф.Л.Мируктамова “Вояга етмаганлар одил судловининг халқаро стандартлари” (2021), Ш.Ш.Узаков “Дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини прокурор томонидан ҳимоя қилиш масалалари” (2025) мавзусидаги тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.⁶

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари МДХ давлатлари олимларидан С.С.Чернова, И.Н.Кондрат, В.А.Шестак, М.Ю.Арчаков, С.А.Синенко, В.Ю.Дорофеева, Ю.Е.Пудовочкин, Ю.Н.Стражевич, В.Г.Блинкова, А.А.Жидких, П.А.Колмаков, О.А.Тетерин, Г.А.Миронова, А.А.Бакурова, В.Н.Карагодин, Н.Б.Вахмянина, А.А.Казаков ва бошқа олимлар томонидан вояга етмаган жабрланувчининг жиноят процессидаги процессуал мақоми, тергов жараёнларидаги кўрсатув бериш лаёқати масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Anne Grandjean, Thomas Lubanga Dyilo, Abere Adamu Mekonin, De Brouwer and Heikkilä, Elbers Nieke, Meijer Sonja, Becx Iris, Schijns Arlette, Akkermans Arno, Caitlin Carroll, Barbara Freedman, Paul Cassell, K.A.Lonsway, J.Archambault, Schueller Mckenzie, Solheim Skar, Noelle O’Keeffe, Rosaleen McElvaney, Dragojlović Joko, Colin Murray, A.D.Sarica, U.H.Coskun, Makiko Naka, Amal Clooney, Philippa Webb ва бошқалар томонидан вояга етмаган жабрланувчиларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқлари ҳамда хорижий давлатларда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилинган.

⁶ Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишлари жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш қаторида процессуал ташкилий масалаларни тадқиқ этишга бағишланган. Бирок, мамлакатимизда айнан вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган (2023-2025).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини халқаро умумэътироф этилган стандартлар, миллий ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигига кўра қиёсий таҳлил қилиш орқали қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчи тушунчаси назарий таҳлил қилиш;

вояга етмаган жабрланувчиларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган халқаро стандартларни таснифлаш;

вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят процессида иштироки билан боғлиқ ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятини таҳлил қилиш;

жиноят иши юритувида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилиш;

тергов ҳаракатларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг иштирокига оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни миллий ва хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

суд муҳокамаси босқичида вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни қиёсий таҳлил қилиш асосида қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

вояга етмаган жабрланувчиларнинг компенсация олиш ҳамда реабилитацияга оид ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлашда тергов фаолиятида самарадорликни ошириш масалаларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган процессуал муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига оид процессуал муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти, халқаро стандарт ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, илмий-назарий қарашлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий, тизимли, мантиқий, анализ, синтез, умумлаштириш, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик материалларни ўрганиш, қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш, социологик сўров ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчига, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик шикаст етказилишининг олдини олиш учун ҳамда жабрланувчи, гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги илмий асослаб берилган;

вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус сўроқ хоналарида аудио ва видеоёзувлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида юзлаштириш ўтказилиши мумкинлиги асослаб берилган;

шахсни вояга етмаган жабрланувчи ёки жиноят шохидларига таниб олиш учун кўрсатишда унинг фотосуратидан, видеоёзудан фойдаланиш орқали кўрсатувларини самарали усулда қабул қилиш имкониятлари илмий асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ вояга етмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки эксплуатация ва зўравонликка оид жиноятлар натижасида жабрланган шахслар манфаатида давлат ҳисобидан адвокат иштирокини таъминлашга доир процессуал қоидаларни жорий этиш зарурати илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноят иши юритувида ҳуқуқий таъриф ва илмий қарашлар асосида “вояга етмаган жабрланувчи” ҳамда “жабрланган бола” тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларининг моҳиятига оид тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига “боланинг энг устувор манфаатлари” ҳамда “боланинг қонуний манфаатлари” шаклида муаллифлик таърифи берилган;

хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили натижасида жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят содир этган шахснинг кўз ўнгида ҳозир бўлишини ҳамда юзма-юз кўришишини олдини олиш, ишни қисқа

вақтда кўриб чиқиш, тергов жараёнларида жабрланувчининг ёшини инобатга олган ҳолда муносабатда бўлиш каби қоидалар илмий асослаб берилган;

вояга етмаган жабрланувчиларга нисбатан гувоҳлантириш тергов ҳаракатларини ўтказувчи шахс вояга етмаган жабрланувчилар билан бир жинсда бўлиши эҳтиёткор ёндашув сифатидаги таклифи асослантирилган;

вояга етмаган жабрланувчиларнинг фуқаровий даъво кўзғатишга оид ҳуқуқлари билан танишиш мазмунидаги норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 55-моддасига таклиф сифатида ишлаб чиқилган;

тергов органлари фаолиятида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишга мўлжалланган йўриқнома ишлаб чиқишга доир тавсиялар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, Конституция ва қонунларда умумэътироф этилган қоидалар ва соҳага доир тўрт йиллик (2021-2024) эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, хусусан, жиноят ишларига оид 1636 та суд ҳамда тергов ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган. Бундан ташқари, 6763 мутахассис ходимлар, жумладан, 300 нафар жиноят ишлари бўйича суди судьялари, 6333 нафар прокуратура (электрон тизим орқали), 130 нафар ички ишлар органлари терговчилари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда белгиланган илмий хулоса ва таклифлар жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг назарий муаммоларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, жиноят процессуал ҳуқуқи, криминалистика ва суд экспертизаси йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, суд амалиётида, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети ва юридик факультетлар талабалари учун турли хил илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, шунингдек “Виктимология”, “Бола ҳуқуқлари”, “Тергов фаолияти”, “Криминология” модуллари бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчига, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга психологик шикаст етказилишининг олдини олиш учун ҳамда жабрланувчи, гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги ҳақидаги таклифлари 2023-2024 йилларда янги таҳрирда ишлаб чиқилган Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 121²-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 20 февралдаги 27/2-32-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф вояга етмаган жабрланувчиларнинг тергов жараёнларида такрорий иштирок этиши натижасида қайта жабрланишини (ревиктимизация) олдини олишда хизмат қилади;

вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус сўроқ хоналарида аудио ва видеоёзувлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида юзлаштириш ўтказилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлари 2023-2024 йилларда янги таҳрирда ишлаб чиқилган Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 123-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 20 февралдаги 27/2-33-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф вояга етмаган жабрланувчиларнинг юзлаштириш давомида жиноят содир этган шахснинг кўз ўнгида ҳозир бўлишини олдини олиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади;

шахсни вояга етмаган жабрланувчи ёки жиноят шохидларига таниб олиш учун кўрсатишда унинг фотосуратидан, видеоёзудан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги таклифлари 2023-2024 йилларда янги таҳрирда ишлаб чиқилган Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасининг 127-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 20 февралдаги 27/2-33-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф тергов жараёнларида техник воситалар орқали кичик ёшдаги жабрланувчиларнинг ўзи тушунадиган тилда кўрсатувларини самарали усулда қабул қилишда хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ вояга етмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки эксплуатация ва зўравонликка оид жиноятлар натижасида жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида жабрланувчи сифатида эътироф этилган шахслар мазмунидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2025 йил 14 октябрдаги 04/3-08/4064-сон баённомаси). Ушбу таклиф вояга етмаган жабрланувчиларнинг манфаатида давлат ҳисобидан адвокат иштирокини таъминланишга доир процессуал бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (3 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 12 та илмий мақола, шундан 9 та миллий ва 3 та хорижий журналларда, илмий-амалий конференция тўпламларида 5 та, шундан 3 та халқаро, 2 та миллий тўпламларда мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 8 та параграфдан иборат учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқларининг назарий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчи тушунчасининг назарий таҳлили, вояга етмаган жабрланувчиларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган халқаро стандартлар, вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят процессида иштироки билан боғлиқ ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан **“бола”** ва **“вояга етмаганлар”**, **“жабрланувчи”** тушунчалари хусусидаги илмий ғоя ва ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. **“Бола”** ва **“вояга етмаганлар”** жумласининг моҳияти назариясида ҳанузгача ягона қарашлар шаклланмаганлиги қайд этилиб, мазкур жумлаларнинг тарихий манбалар асосида **луғавий** мазмунини таҳлил қилган олимлар (*Д.Каримова, Ш.Ганибаева, Ж.Ўроқов*), ҳуқуқни қўллаш амалиётида **норматив** асосларга кўра фикр билдирган олимлар (*А.Муминов, М.Тиллабаев, Г.Юлдашева, Ф.Аҳмедов, Ш.Рахимов*), **киёсий-ҳуқуқий** таҳлил асосида хорижлик олимларнинг (*Д.Аманова, С.Абижанов, Б.Нил, С.Смарт*) илмий қарашлари уч гуруҳга ажратилиб, таҳлил қилинди.

Муаллиф **“бола”** тушунчасини ҳуқуқий томондан фақат кичик ёшдаги (6 – 14) шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган

бўлса-да, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадиган шахслар вояга етган ҳисобланади мазмунидаги фикрларга қўшилмайди. Жумладан, “бола” тушунчаси кенг маънода, “вояга етмаганлар” тушунчаси эса жиноий процессуал ҳужжатлар ҳамда процесс билан боғлиқ амалиётда қўлланилади. Диссертант мазкур тушунчаларнинг моҳияти луғавийлик жиҳатидан турлича фаразларни юзага келтирса-да, қонун доирасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бир хил мазмунни келтириб чиқариши ҳақида хулосага келади.

“Жабрланувчи”ларга оид тушунчалар таҳлил қилинганда, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноий процессуал ҳужжатларда акс эттирилишига кўра “жабрланувчи”ларни ҳуқуқлари бузилган шахслар тоифалари орасида “шикоятчи”лардан кенгроқ равишда ажратиб туради. Муаллиф вояга етмаган жабрланувчиларни, ёш даражасига биноан жабрланувчиларнинг алоҳида субъектив тури сифатида юзага чиқиши тўғрисидаги хулосага келган. Таҳлил натижаларига кўра, моддий ҳуқуқ вояга етмаган жабрланувчиларни физиологик ва бошқа асосларга кўра фарқлашида турли иборалар “ёш бола”, “вояга етмаган шахс”, “оғир аҳволдаги шахс” орқали тасдиқлаган ҳолда ҳам, процессуал ҳуқуқ, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида процесс иштирокчиларининг мазкур тоифасини аниқ процессуал мақоми белгиланган бўлса ҳам, умуман ҳуқуқ тизимида “вояга етмаган жабрланувчи” ёки “жабрланган бола” атамаси шаклида ҳуқуқий мақоми сақланади. Муаллифнинг хулосасига кўра, вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган жиноятларда жиноят иши қўзғатилган бўлса-да, вояга етмаган шахс ишга жабрланувчи тариқасида жалб қилинмаган бўлиши ҳам мумкин, бунда унинг процессуал мақоми ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланади. Қачонки, вояга етмаган шахс жабрланувчи тариқасида ишга жалб қилинган ҳолларда, унинг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига нисбатан ҳуқуқни қўллаш жараёни бошланади.

Тадқиқот усули ва предметида келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартларни қиёсий таҳлил қилиш мақсадида диссертант томонидан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда **“жабрланган болаларни одил судловга бўлган ҳуқуқлари”**га оид халқаро стандартлар ажратиб олинди. Жабрланган болалар ҳамда жиноят гувоҳлари бўлган болаларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларидан иборат халқаро стандартлар БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 12-Умумий шарҳ, “Жабрланган болалар ва жиноят гувоҳлари билан боғлиқ ишлар бўйича одил судлов тўғрисида”ги йўриқномаси, Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботида Қўмитанинг 2022 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган 2668-сонли мажлисида вояга етмаган шахсларнинг одил судловга оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада такомиллаштиришга қаратилган якуний хулосаларига мувофиқ қуйидагича талқин қилинган: лаёқатли гувоҳ деб ҳисобланиш ҳуқуқи; полиция, прокурорлар, судьялар ва адвокатларнинг ихтисослашуви; ахборот олиш ҳуқуқи; юридик вакиллик, юридик маслаҳат ва

жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш; махфийликни ҳимоя қилиш; хавфсизлик ҳимояси; болаларга нисбатан эҳтиёткор ёндашувлар; суддаги вазият ва процедуралар; ишни ортиқча кечиктирмасдан якунлаш; компенсация олиш ҳукуқи; реабилитация ва реинтеграция хизматларидан иборат.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикасида жабрланувчиларнинг жиноий одил судловга бўлган ҳуқуқларининг мазмуни олимларнинг (*С.Саҳаддинов, Б.Пулатов, А.Умархонов*), илмий қарашлари асосида ёритилиб, муаллиф томонидан “шахснинг ҳуқуқлари бузилган пайтдан бошлаб белгиланган тартибда суд томонидан адолатли суд ҳужжати қабул қилингунигача бўлган муддатда шахс ва давлат ўртасида юзага келадиган процессуал муносабатлар мажмуи сифатида кўрилади” деган хулосага келинди. Кенг маънода одил судловга бўлган ҳуқуқ тушунчасини фақат суд муҳокамаси босқичидаги процедуралардан иборат эканлигини тушунилмасдан, балки, мазкур суд ҳужжатига бевосита асос ҳисобланувчи айрим процедуралар судгача бўлган босқичда ҳам амалга оширилиши билан изоҳланади.

Одил судловда вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатлари тушунчаси таҳлил қилинганида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 3-моддасининг инглиз тилидаги (халқаро) матнида ***“the best interests of the child”*** шаклида келтирилган бўлиб, боланинг “энг яхши” ёки “энг устувор” манфаатлари таржимасига эга. Шунингдек бола ҳуқуқларига оид давлатимиз қонунчилигида “боланинг қонуний манфаати” ибораси учрайди, лекин ушбу жумланинг моҳияти мавжуд эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг 4-моддаси биринчи қисмида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг асосий принциплари сифатида “боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш” келтирилган. Бироқ, ушбу принцип моҳияти қонунларда ёритилмаган. Фуқароларнинг қонуний манфаатларига оид тадқиқот олиб борган олимларнинг (*Ф.Мируктамова, Н.Муродов, В.Субочев, Д.Левченко, Ю.Беспалов*) қарашлари таҳлил қилиниб, муаллиф боланинг қонуний манфаати унинг эҳтиёжи билан боғлиқ бўлади давлат қонун-ҳужжатларида эҳтиёж сифатида айнан қайси жиҳатини эътиборга олиниши муҳимлиги тўғрисидаги позицияни ёқлайди.

Диссертантнинг хулосасига кўра, боланинг энг устувор манфаатлари – бу боланинг жисмоний, руҳий ва ақлий хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаровонлиги, хавфсизлиги ва ривожланишига йўналтирилган индивидуал устуворлик ҳисобланади. Мазкур хусусиятларни жамлаган устуворлик белгиланган ҳуқуқлар боланинг қонуний манфаатлари ташкил қилади.

Жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатдан бир қанча ўзига хос хусусиятларни ўзида намоён этади. Мазкур хусусиятлар олимларнинг (*С.Ниёзова, И.Чурляева, А.Залозный, С.Мальков, В.Винокуров, Ю.Пудовочкин*) қарашларига кўра таснифланганда, аввало, вояга етмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг махсус қисмида белгиланган ҳар қандай жиноятнинг

жабрланувчиси ҳисобланмайди. Чунки, бу кодекснинг нормалари шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини умумий тарзда жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг махсус қисмида белгиланган моддалар жиноятларнинг хавфлилик даражасига қараб тартиблаштирилган. Ҳуқуқий тадқиқотларда болаларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни вояга етмаган жабрланувчига етказилган зарарнинг зўравонлик тавсифи билан боғлашади. Муаллиф жиноят иши юритувида вояга етмаган жабрланувчиларнинг иштирокини Жиноят кодексининг махсус қисмида белгиланган жиноят тоифаларига қараб **“вояга етмаган шахсларга қаратилган жиноятлар”** ҳамда **“вояга етмаган шахс жабрланувчи бўлиши мумкин бўлган жиноятлар”** га таснифлаган ҳолда асослаган.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаган жабрланувчиларнинг иштироки шакллarga ажратилмаган бўлса ҳам, тергов ҳаракатларининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда **кўрсатув бериш** ҳамда **субъектив иштирок этиш** шакллари ўзида намоён қилади. Муаллифнинг хулосасига мувофиқ, кўрсатув бериш шаклида вояга етмаган жабрланувчи айрим тергов ҳаракатларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, оғзаки шаклда тушунтиришлар бериш ҳаракатларини амалга ошириш, субъектив иштирок этиш шаклида эса вояга етмаган жабрланувчининг танасидаги жиноят аломатларини аниқлаш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилишига оид илмий қарашлари асослаб берилди.

Диссертациянинг **“Вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноят процессида таъминлашнинг қиёсий таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида жиноят иши юритувида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари, тергов ҳаракатларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг иштирокига оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда суд муҳокамаси босқичида вояга етмаган жабрланувчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашининг қиёсий таҳлили ёритилган.

Тадқиқот усули ва предметида келиб чиққан ҳолда, вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят процессида ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари масалаларига оид жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда юқорида келтирилган халқаро стандартлар ҳамда **23** та хорижий давлатларнинг қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинди. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил давомида МДҲ давлатларидан ташқари, Европа, Скандинавия мамлакатлари, АҚШ ҳамда Канада сингари давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги, жиноят иши юритуви ҳамда тергов ҳаракатларининг номланиши тубдан фарқ қилганлиги боис, муаллиф томонидан жиноят иши юритувида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш **ҳуқуқий тартибга солиниши томонидан** (ҳуқуқ тизими, конституцион тамойиллар ва соҳага йўналтирилган модель асосида, соҳага оид давлат сиёсати),

умумэтироф этилган **стандартлар** (дискриминациядан ҳимояланиш, ўз фикрига эга бўлиш, ахборот олиш, хавфсизлик ва махфийлик, вакилликка оид ҳуқуқлар) ҳамда Қўмита томонидан **тавсия этилган** давлатларнинг тажрибаларига асосан гуруҳларга ажратилиб, жиноят иши юритувига оид олимларнинг (*С.Ачилов, З.Иноғомжонова, Д.Миразов, И.Астанов, Д.Базарова, Д.Тураева, Б.Рашидов, Ш.Рафиқов, М.Ботаев, С.Дусманов*) илмий қарашлари асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни таъминлаш инсонпарварлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Сўнгги йилларда, хусусан, 2019 йил 6 декабрь ва 2021 йил 7 декабрда қабул қилинган қонунларга мувофиқ, жиноят-процессуал қонунчилигига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ, жиноят ишини юритишда вояга етмаган жабрланувчиларга хос бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни таъминлаш билан боғлиқ бир қанча очик қолган масалалар ҳам мавжуд. Биринчидан, вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакилининг иштирок этиш шартлари ҳамда вояга етмаган жабрланувчига давлат ҳисобидан юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, иккинчидан, нутқида ёки ақлий ривожланишда нуқсони бўлган ёхуд кичик ёшдаги жабрланувчилар жиноят тўғрисида ўз кўрсатувларини беришда ҳамда ўз процессуал ҳуқуқлари билан танишиб чиқишда мутахассисни жалб қилиш чораларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Жиноят иши юритувида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари акс эттирувчи мазкур кафолатлар “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган. Бироқ, жиноят процессуал қонунчиликда давлат ҳисобидан юридик хизмат билан таъминлаш, вояга етмаган жабрланувчиларнинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда уларнинг ёшидан қатъи назар, ўзлари тушунадиган тилда фикрини ифода этиш ҳамда ахборот билан таъминлашга оид ҳуқуқий механизм ҳамда процедуралар тўлиқ таъминланмаган.

Тадқиқот ишида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан ўрганилган ҳудудлардаги криминоген вазият таҳлили, Адвокатлар палатаси томонидан берилган маълумотлар, шунингдек, терговчилар орасида ўтказилган социологик сўровнома натижаларига кўра, мамлакатимизда 2021 – 2024 йиллар давомида жабрланувчиларнинг жиноят процессида профессионал юридик хизматга бўлган эҳтиёжлари ошган. Иш ҳужжатларининг таҳлили натижасида жиноятларнинг такрорланишининг сабабларидан бири сифатида вояга етмаган шахсларнинг ҳаёти, шахсий ва оилавий сирларнинг дахлсизлигига оид ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли эмаслиги жиноятни ижтимоий муаммо сифатида етарлича тушунилмаслиги билан боғлиқдир. Шунингдек, вояга етмаган жабрланувчининг вакилга эга бўлиш ҳамда давлат ҳисобидан юридик

хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига оид қоидалар Германия, Нидерландия, Грузия давлатларининг қонунчилиги таҳлил қилинди. Зўравонликка оид жиноятлар таҳлилига кўра, Швецияда 1980 йилларнинг охирида зўравонлик ва жинсий эркинликка қарши жиноятдан жабрланганларга давлат ҳисобидан юридик хизмат жорий этилиши натижасида, жабрланувчиларга ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини бериш ва жиноят иши юритуви босқичларида маънавий қўллаб-қувватлаш ва муносабатни таъминлаш орқали иккиламчи жабрланиш хавфи камайган. Бунга сабабий боғланиш шаклида зўравонликка оид жиноятлар ҳам камая бошлаган.

Муаллиф томонидан жабрланувчилар жиноят иши юритувида жиноятни фош этишда кўмаклашиш, айбловни қўллаб-қувватлаш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иштирок этиши, шу сабабли, адвокатлар жабрланувчиларнинг манфаатидаги позициясининг моҳияти “**вакил**” сифатида намоён бўлиши тўғрисида хулосага келган.

Диссертант вояга етмаган жабрланувчиларнинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳамда ўзи тушунадиган тилда маълумот олишга оид қонуний манфаатлари жиноят процессида **шикоят қилиш** ҳамда **ахборот олиш**га доир ҳуқуқларнинг элементларини ташкил этишини илмий асослаган.

Муаллифнинг илмий, статистик, қиёсий таҳлилига мувофиқ, вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда уларнинг ёши, ақлий ривожланганлик даражаси, ҳаётий тажрибаси камлиги инобатга олинishi, шунингдек муайян тергов ҳаракатидаги иштироки унга “психологик жароҳат” етказиб қўйishi мумкинлигига оид қарашлари асослантирилган. Диссертант тадқиқот ишида тергов вақтида вояга етмаган жабрланувчининг ёш тоифасига мувофиқ сўроқ ўтказишнинг минимал вақтини белгилаш масалалари таҳлил қилиб, вояга етмаган жабрланувчининг ёши ва ҳолатидан келиб чиққан ҳолда сўроқ қилишнинг қисқа вақти ва даврийлиги вояга етмаган шахсни ижтимоий баҳолаш хулосасига мувофиқ ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида хулосага келган.

Вояга етмаган жабрланувчи тергов ҳаракатларидаги иштирокига оид таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **123-, 127-, 146-моддаларига:**

вояга етмаган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юзлаштириш махсус сўроқ хоналарида аудио- ва видеоёзувлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши лозим;

шахсни вояга етмаган жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатишда унинг фотосуратидан, видеоёзудан кўрсатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

гувоҳлантиришни ўтказувчи шахс улар билан бир жинсда бўлиши лозимлиги деган мазмундаги қоидаларнинг киритилиши тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, барча жиноят ишлари кодексда белгиланган муддатларда тугалланиши керак. Бироқ, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳлар билан боғлиқ ишларни тезлаштириш ёки устуворлик бериш талаби мавжуд эмас. Туркиялик, АҚШ ҳамда япониялик олимларнинг илмий қарашлари асосида вояга етмаган жабрланувчига тез-тез музокараларни ўтказиш уларни жуда кўп стрессга солиши ва уларнинг кўрсатмаларида ишончсизликка олиб келиши мумкинлиги, шунинг учун, суддаги музокаралар сонини чеклаш, суҳбатнинг ўтказилиши ва унинг шаклини аниқ белгиланган механизмларга асослаш масаласи муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

Диссертантнинг вояга етмаган жабрланувчиларнинг суд мажлисида ҳозир бўлишини олдини олишга жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек вояга етмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга психологик шикаст етказилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилишига оид таклифлари АҚШ, Исландия, Эстония, Полша амалиётидаги “Яшил хона” концепциясига мувофиқ асослантирилган.

Диссертациянинг **“Вояга етмаган жабрланувчиларнинг жиноят процессуал ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида вояга етмаган жабрланувчиларнинг компенсация олиш ҳамда реабилитацияга оид ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, жиноят процессида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлашда тергов фаолиятида самарадорликни ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг илмий ишида жиноят содир этган шахс аниқланиб, етказилган зарар миқдори тегишли суднинг қарори асосида айбдор шахсдан ундирилиши амалдаги қонунда белгиланганлиги, бироқ жиноий қилмиш оқибатида айбдор шахс ушланмаган ёки аниқланмаган тақдирда жабрланувчига етказилган зарарни ундириш қандай тартибда амалга оширилиши ҳуқуқий асослантирилмаганлиги натижасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши ҳақида мулоҳаза юритилиб, **Қозғистон Республикасининг 2018 йил 10 январдаги “Жабрланувчиларнинг компенсация жамғармаси тўғрисида”ги Қонуни**, шунингдек, жабрланувчиларнинг манфаатида фуқаровий даъволарга кўра, яъни уларга жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳамда бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари давлат томонидан ташкил этилган **фондлар орқали компенсациялаш** лозимлиги тўғрисида хорижий давлатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган. Хулосага кўра, диссертант томонидан “Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида”ги қонун лойиҳасига Болалар жамоат фондининг энг муҳим вазифалари қаторида вояга етмаган жабрланувчиларнинг компенсация олишга оид ҳуқуқларини

молиялаштириш тартиб-қоидалари киритилишини тавсия сифатида келтирган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотларига кўра, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан оилавий (маиший) зўравонлик ишлари кўриб чиқилган суд ҳужжатлари (айблов ҳукмлари ва ярашув ажримлари) таҳлил қилинганда, **24 фоиз** жиноят иши бўйича жабрланувчилар судланувчига даъвоси борлигини аниқланган. Жиноят натижасида етказилган зарар фуқаровий даъво шаклида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳисобланар экан, жабрланувчилар жиноят ишига жалб қилинган пайтдан бошлаб ваколатли мансабдор шахс томонидан ушбу ҳуқуқлари билан таништирилиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 55-моддасида “фуқаровий даъво кўзғатишга оид ҳуқуқлари билан танишиш” мазмунидаги ҳуқуқларининг белгиланиши тўғрисида таклиф ишлаб чиқилган.

